Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
8 январь
ЧОРШАНБА
№ 2 (13263)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Хабарингиз бор, 2019 йил 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтган эди. Мазкур сайловларда 50 фоиздан кўп овоз тўплай олмаган номзодлар учун жорий йилнинг 5 январь куни такрорий овоз бериш ўтказилди.

## Сайловчи:
# БИЗ СИЗГА ИШОНДИК, БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАНГ ЭНДИ



Бу жараён вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 87-"Ангрен" ҳамда 89-"Бўка" округида, шунингдек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 8 та, яъни, 3-"Нурчи" (Ангрен шаҳри), 17-"Бўка" (Бўка тумани), 39-"Оҳангарон" (Оҳангарон шаҳри), 26-"Юнусобод" (Тошкент тумани), 47-"Нурафшон" ва 48-"Истиқлол" (Нурафшон шаҳри), 49-"Чиноз" ва 51-"Эски Тошкент" (Чиноз тумани) сайлов округлари таркибига кирувчи сайлов участкаларида эрталаб соат 8:00 да бошланиб, 20:00 гача давом этди.

Сайлов кодексига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз бериш ўтказилади. Такрорий овоз бериш икки ҳафталик муддатда бўлиб ўтиши белгиланган. Унда нисбатан кўп овоз олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиш фоизи ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг олдинги рўйхати асосида ўтказилади.

5 январь куни ўтган такрорий овоз беришда сайловчиларнинг фаоллиги кўзга ташланди. Жумладан, Вилоят сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, шу куни 357 мингдан ортиқ фуқаро сиёсий ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзи муносиб кўрган номзодга овоз берди. Бу такрорий овоз беришда қатнашиши лозим бўлган сайловчиларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этди.



*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*

Давоми 2-бетда

## Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги



# «ЮРТ-ЮРТ», ДЕБ УРАР ЮРАК

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган Ахборот коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институти ҳамда N-сонли ҳарбий қисм ҳудудида Махсус авария-тиклаш бошқармаси, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Зангиота тумани кенгаши билан ҳамкорликда "Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!" шиори остида очиқ эшиклар куни ўтказилди.

Тадбирда Зангиота туманида жойлашган 44 та умумтаълим мактабининг ўқувчилари, 3 та мактабгача таълим муассасаси кичкинтойлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган 3 та Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ўқитувчи-мураббийлар ва ота-оналар иштирок этишди.

Дастлаб меҳмонлар Ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институти ҳамда ҳарбий қисм ҳудудида жойлашган ўқув-машғулот хоналари, ҳарбий ва алоқа техникалари, кутубхона, спорт зал ва тренажёр хоналари, курсантлар ва аскарлар учун яратиб берилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

Тадбирнинг бадиий ва амалий қисмида "Импульс" ҳарбий ансамбли ҳамда "Истеъдод" бадиий ҳаваскорлик жамоасининг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлари янгради. Шунингдек, қўл жанги усталари ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларидан ташкил топган фахрий қоровул таркибининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

* * *

Нурафшон шаҳрида Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги доирасида "Ватанга қасамёд" тантанали маросими ўтказилди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий округи томонидан жанговар техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси намойиш этилди. Иштирокчилар ўртасида "Ватанга қасамёд"нинг мазмун-моҳиятини етказувчи тарғибот тадбири ўтказилди.

Амфитеатр мажмуасида куй-қўшиқлар, ҳарбийлар иштирокидаги чиқишлар ташкил этилди.

**Ҳудудий ахборот хизматлари хабарлари асосида тайёрланди**

## Халқаро конференция

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги қошидаги "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан "Янгиланаётган Ўзбекистон учун янги авлод кадрлари" мавзуида илк халқаро конференция ўтказилди. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Шерзод Кудбиев очиб берди.

# ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИ

Қайд этилишича, 2018 йилнинг сентябрь ойида ташкил этилган "Эл-юрт умиди" жамғармаси 1997-2003 йилларда фаолият юритган "Умид" жамғармаси давомчиси ҳисобланади. Мазкур жамғарма 828 нафар мутахассиснинг билим олишини молиялаштирган. Улардан 363 нафари бакалавриат, 465 нафари магистратура йўналиши бўйича дунёнинг нуфузли университетлари ва илмий марказларида таҳсил олиб қайтган.

Мазкур анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Австралия, Жанубий Корея каби 18 та ривожланган давлатдан келган ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган 300 дан зиёд "Умид" жамғармаси битирувчилари иштирок этди.

Икки кун давом этган конференцияда юртимизда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, конференция доирасида ташкил этилган шўъба йиғилишларида мамлакатимиз тараққиёти учун долзарб бўлган кўплаб масалалар қамраб олинди.

Анжуманнинг иккинчи иш куни Бўстонлиқ туманидаги "Лайнер" оромгоҳида давом этди. Иштирокчилар турли мавзуларда эркин машғулотлар ўтказишди. Тадбир сўнгида қимматли келишувларга эришилди.

**Ўз мухбиримиз**

# «УМИД» ЮЗ ОЧМОҚДА

Янгийўл тумани замон шиддатига мос тарзда янгиланиб, чирой очиб бормоқда. Бунинг исботини туманда барпо этилаётган замонавий бино ва иншоотлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт масканлари мисолида яққол кўриш мумкин.

## Обод манзиллар





Биргина "Умид" маҳалласида сўнгги пайтларда кузатилган ўзгаришлар салмоғи йилларга татийди. Яқингача қаровсиз ҳолатдаги маҳалла кўчалари ўтган йил якунида асфальтланди, тураржой биноларининг томи, фасади таъмирланди. Болалар учун ўйин майдончалари ташкил этилди. Қисқа муддат ичида қурилган тикув цехида ўнлаб аёллар бандлиги таъминланди. Янги поликлиникада эса аҳоли учун сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Туманнинг "Шўралисой" маҳалласида ҳам кўркам оилавий поликлиника қад ростлади. Поликлиника қошида ташкил этилган "Тез тиббий ёрдам" хизмати фуқароларнинг узоғини яқин қилмоқда.

"Хонқўрғон" маҳалласидаги бунёдкорлик ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Тўлиқ таъмирланиб, ёш авлод таълим-тарбияси учун барча шароитлар яратилган илм масканида спорт ва тантаналар залидан ўқувчилар унумли фойдаланишмоқда.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

## ҲАҚИҚАТ КИРМАГАН УЙЛАР




## Сиз бунга нима дейсиз?



Инглиз тилида шундай атама бор: "facts and fictions". Бунда факт – муайян бир воқеа ё жараённинг чиндан содир бўлгани, "фикшн" – яъни, тўқима эса ҳеч қандай сабабсиз бирор ҳодисани худди рўй бергандек кўрсатиш, деган маънони беради.

# «Хайп»га берилманг, айбга буюрманг...

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Mahalla" телеканали жамоаси томонидан мунтазам эфирга узатилаётган "Воқеа жойидан" кўрсатувида ҳам, афсуски, биз юқорида тилга олиб ўтган "тўқима" услубидан "унумли" фойдаланилади. Кузатувларимизга кўра, мазкур кўрсатувнинг бир неча сонида гўёки "Тошкент вилояти ҳудудидаги туманларда содир этилган мудҳиш жиноятлар фош қилинади".

Улар намойиш этаётган "жиноят ишлари" баёни доим даҳшатли, аммо у аслида содир этилмаган бўлсада, томошабин йиғиш учун тўқиб чиқарилиши, камига "воқеа жойи"га асосан айни бир минтақа танланиши янада ажабланарли.

Эмишки, Бўка туманида беш ёшли қизчанинг қабри очилиб, эксгумация қилинган. Тиббий экспертиза хулосасига кўра... норасида қиз ёзса ҳатто қоғоз кўтармайдиган даражада шафқатсизларча ўлдирилган. Ва яна шу каби кўплаб воқеалар, хусусан, Янгийўл ва Оҳангарондаги оилавий қотилликлар, Паркентдаги пичоқбозликлар, ўсмир қизни зўрлаб, воқеа жойидан қочиб кетишлар...

Қадрли ўқувчи, агар ушбу жиноятлар чиндан содир этилганида эди, биз мазкур мақолани ёзмаган, аксинча, юқорида номи зикр этилган кўрсатув орқали вилоятимиз аҳолисини огоҳликка чорлаган бўлардик. Аммо, не ажабки, кўрсатувда ёритилган барча воқеалар тўқима, камига бу тўқиб чиқарилган жирканч жиноятларнинг бари Тошкент вилояти ҳудудида "содир этилган."

Бир телеканалнинг шунчаки аудитория йиғиш учун ўзи ўйлаб топган жирканч сюжетларига фақат бир ҳудуд аҳлидангина қаҳрамон топиш, тасвирларда вилоят ҳудудларидаги аниқ топонимлар, давлат идоралари номлари кўрсатилиши бу ерда яшовчиларнинг, ҳа, айнан Тошкент вилояти аҳолисининг ҳамиятига тегмайдими?

Келинг, "Mahalla" телеканали ижодий жамоасидан фарқли ўлароқ, биз фактларга мурожаат қилайлик. Тошкент вилояти Ички ишлар Бош бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Б. Тўлагановнинг маълум қилишича, 2019 йилнинг 24 октябрь куни "Mahalla" телеканалида такроран эфирга узатилган "Воқеа жойидан" кўрсатувида "Бўка туманида 5 яшар қизчанинг қабри қайта очилди, унинг жинсий аъзосига қиздирилган темир босиб ўлдирилган" пешлавҳали фильм намойиш этилди.

Давоми 2-бетда

# Сайловчи: БИЗ СИЗГА ИШОНДИК, БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАНГ ЭНДИ



Жараённи кузатиш мақсадида Нурафшон шаҳридаги 170-сайлов участкасида бўлдик.

– Такрорий овоз бериш

Бошланиши 1-бетда

анча фаол ўтмоқда, – дейди участка сайлов комиссияси раиси Муҳаббат Ҳасанова. – Мазкур участкада овоз бериш учун шаҳарнинг "Маърифат" ва "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 1 минг 860 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 31 нафари биринчи марта овоз берадиган ёшлардир. Такрорий овоз бериш ҳақида ҳар бир сайловчини хабардор қилиш учун таклифномалар вақтида етказиб берилди.

– Оиламиз билан ўзимиз муносиб деб билган номзодга овоз бериш учун келдик, – дейди нурафшонлик Икром Хўжаев. – Номзодлар сайловчилар билан учрашиб, ўз дастурлари ва режалари ҳақида маълумот беришган. Такрорий овозга қўйилган номзодлар орасида биз танлаганлар ҳам бор экан, яна уларни қўллаб овоз бердик.

Шунингдек, сайлов участкаларига келишга имкони бўлмаган кекса, хаста ва имконияти чекланган сайловчиларнинг хонадонларига кўчма қутилар олиб борилиб, уларга ҳам фуқаролик бурчини адо этиш имконияти яратилди.

Шундай қилиб, такрорий овоз бериш жараёнлари якунланди. Яқин 5 йиллик муддатга янги депутатлар сайланди. Умид қиламизки, депутатлар сайловдан олдин халққа берган ваъдаларини бажаришга бугундоқ киришишади.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Тошкент вилоятидаги сайлов округларидан 2020 йил 5 январда бўлиб ўтган такрорий овоз бериш натижасида сайланган депутатлар

## РЎЙХАТИ

| № | Сайлов округининг номи | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили ва жойи | Депутатнинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг номи | Иш жойи, лавозими |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 87-"Ангрен" | Аминов Носиржон Хасанбаевич | 1976 йил, Ангрен шаҳри | Ўзбекистон Экологик партияси | "Ўзбекэнерго" АЖ "Ангрен иссиқлик электр станцияси" АЖ умумий масалалар бўйича директори |
| 2 | 89-"Бўка" | Абдувалиев Нодиржон Рахматжонович | 1987 йил, Бўка тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси | Бўка тумани маданият бўлими бошлиғи, маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори |




**ОҚҚЎРҒОН** туманидаги "Агробанк" биноси янгидан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.



**ЗАНГИОТА** туманининг Аҳмад Яссавий номли маҳалласида Ҳилола Йўлдошева томонидан 500 ўринли нодавлат мактабгача таълим муассасаси ишга туширилди. Бу ерда болалар математикани, рус, инглиз, хитой тилларини ўрганиши, шахмат, бадиий гимнастика, каратэ ва таэквондо каби спорт тўгаракларига қатнашишлари мумкин.



Муассаса фаолияти 6 кунлик иш вақти асосида йўлга қўйилгани эса иш билан банд ота-оналарни янада қувонтирди.

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ** туманидаги Саксонота қишлоқ врачлик пунктида 2,1 млрд. сўм маблағ эвазига қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мазкур муассасада 30 нафар тиббиёт ходимлари 10 минг 600 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Эндиликда лаборатория, электрокардиография ва ультратовуш текширувлари, стоматология ва эмлаш учун махсус хоналар ташкил этилган муассасада бир кунда 100 нафар беморга хизмат кўрсатиш имконияти бор.



Шунингдек, тумандаги "Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинида қад ростлаган кўп қаватли уй-жойлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

**ЧИРЧИҚ** шаҳрининг "Ёшлар маркази"да шаҳар ИИБ бошлиғи, полковник Дилшод Мухамеджонов ёшлар билан учрашув ўтказди.

Учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтираётган кўплаб саволларга жавоб олишди. Кўтаринки руҳда ўтган самимий учрашувда 150 га яқин ёшлар иштирок этди.





**ПИСКЕНТ** тумани ҳокимлигида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни тартибга солиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма қарори, "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом моҳияти тушунтирилди.

Йиғилишда туман ҳокими ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, ФҲДЁ бўлими, "Маҳалла", "Оила" илмий амалий-тадқиқот маркази, "Нуроний" жамғармаси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, тўйхона ва ресторан эгалари, тадбиркорлар қатнашди.

**Ҳудудий ҳокимликлар ахборот хизматлари хабарлари асосида тайёрланди**

### Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАН ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАСИДА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2020 йил 5 январь куни 8 та сайлов округида ўтказилган такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомалари ва қарорларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20, 59, 96, 97-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига 8 та сайлов округларидан такрорий овоз бериш натижасида сайланган депутатлар иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти сайлов комиссияси котиби Д. Шоисманов зиммасига юклатилсин.

**Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси** **Ж. НАСРИДДИНОВ**

Нурафшон шаҳри, 2020 йил 7 январь

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг 2020 йил 7 январдаги қарорига ИЛОВА*

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов округларидан сайланган депутатлар РЎЙХАТИ

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Номзод кўрсатган сиёсий партиянинг номи | Эгаллаб турган лавозими | Доимий яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 3-"Нурчи" сайлов округи | | |
| 1 | Ли Вадим Геннадьевич | 1969 йил | ЎзЛиДеП | "QUVVAT" МЧЖ раҳбари | Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани |
| | | | 17-"Бўка" сайлов округи | | |
| 2 | Артиков Ғулом Турсунбаевич | 1978 йил | Экологик партия | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари | Тошкент вилояти, Бўка тумани |
| | | | 26-"Юнусобод" сайлов округи | | |
| 3 | Зохидов Асан Акромович | 1956 йил | ХДП | "MEHNAT GROUP" МЧЖ раҳбари | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани |
| | | | 39-"Оҳангарон" сайлов округи | | |
| 4 | Мирзаев Ойбек Адхамович | 1972 йил | ЎзЛиДеП | Оҳангарон шаҳар "Бекдил" хусусий дорихонаси раҳбари | Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри |
| | | | 47-"Нурафшон" сайлов округи | | |
| 5 | Шоумаров Умид Хикматович | 1979 йил | "Адолат" СДП | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани |
| | | | 48-"Истиқлол" сайлов округи | | |
| 6 | Гуломов Мурод Бахтиёрович | 1973 йил | "Адолат" СДП | "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ директори ўринбосари | Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани |
| | | | 49-"Чиноз" сайлов округи | | |
| 7 | Акрамов Алишер Холдорбаевич | 1968 йил | "Адолат" СДП | Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Чиноз агро саховат" фермер хўжалиги раҳбари | Тошкент вилояти, Чиноз тумани |
| | | | 51-"Эски Тошкент" сайлов округи | | |
| 8 | Мирзахмедов Бегзод Миралиевич | 1983 йил | ХДП | "БЕК" эксклюзив смарт МЧЖ раҳбари | Тошкент вилояти, Чиноз тумани |

# «Хайп»га берилманг, айбга буюрманг...



Бошланиши 1-бетда

Унинг бошланиши ва дастлабки анонсларида фильм реал воқеалар асосида суратга олингани қайд қилинган. Тошкент вилояти ИИББ Ахборот хизмати аҳоли ўртасида тасдиқланмаган турли талқиндаги хабарлар тарқатилишининг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни маълум қилишни жоиз кўради:

Яқин 20 йил ичида Тошкент вилояти ёки Бўка тумани ҳудудида ушбу фильмда кўрсатилган каби воқеалар содир этилмаган ва барчаси "Mahalla" телеканали томонидан тўқима сценарий асосида суратга олинган.

Шунингдек, 2019 йилда мазкур телеканалнинг "Воқеа жойидан" кўрсатуви томонидан гўёки реал ҳодиса деб эфирга узатилган 8 та фильм ўрганилганда, уларнинг 80 фоизида ёш қизларни зўрлаш, ўлдириш каби мудҳиш ҳолатлар кўрсатилганлиги ва улар Тошкент вилояти ҳудудида содир этилмаганлиги маълум бўлди.

Агар вилоят Ички ишлар Бош бошқармаси Ахборот хизмати берган маълумотларга таяниладиган бўлса, демак телеканал шов-шув кетидан қувиб, ғирром йўл билан аудитория йиғиш учун саёз ва сохта фильмларини реал воқеаларга асосланган, деб даъво қилаётган бўлиб чиқади.

Умуман олганда, бундай ҳаракатларни жаҳон журналистикасида "хайп"чилик деб аташади ва мазкур усул асосан гонзо – кўча журналистикасига хос ҳолат. Гонзо журналистикасининг ҳатто давлат телеканалларига оралагани эса ўта ташвишланарли ҳол. Улар ўз кўрсатувларини Тошкент вилояти ҳудудидагина олишгани эса бир ҳудудга маломат ёғдирадиган иккинчи оғриқли масаладир.

Дарвоқе, бир ёлғондан қирқ ёлғон, дейдилар. Кейинчалик суриштирувлар асносида шу нарса ҳам ойдин бўлдики, "Воқеа жойидан" кўрсатувида намойиш этилган саккизта фильм асосида Daryo, Effect каби онлайн ахборот платформалари ҳам ўз саҳифаларида воқеа тафсилотларини келтириб ўтган. Канал маъмуриятидан бу ҳолатни изоҳлаш сўралганида эса, улар мазкур воқеалар қачондир, узоқ ўтмишда содир бўлган бўлиши мумкинлигини иддао қилишган. Кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсиз. Ахир, бу қайси журналистик маданиятга тўғри келади?

Ёлғон ва тўқима ахборотлар доим инсонлар онгига хавф солувчи энг катта омиллар саналиб келган. Энг қизиғи, бир жиноятни тўқиб чиқариш ва шу тўқиб чиқарилган жиноят орқали бир ҳудуд ҳақида халқда қора тасаввурлар уйғотиб қўйиш мумкинлигини наҳотки ҳамкасбларимиз ўйлашмаса?

**Зокир АБДУВАЛИЕВ**

*Ижтимоий эълон*

# Диққат! Диққат! Диққат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очиқ аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

**Электрон онлайн очиқ аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.**

| № | Давлат объекти номи | Объект манзили | Балансда сақловчи | Таклиф этилаётган шартлар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса) | Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм) | Инвестициянинг бажариш муддати | Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони |
| Қуйи Чирчиқ тумани | | | | | | | |
| 1 | Қозонхона биноси | Қуйи Чирчиқ тумани, "Беруний" МФЙ | Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги | Хизмат кўрсатиш (савдо дўкони, умумий овқатланиш) | 400,0 | 18 ой | 18 |

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 18 январдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 10 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 12-тор кўчаси, 115-уй.
Маълумот учун телефон: (95) 340-80-10.
E-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт:www.davaktiv.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

***Савдоларга марҳамат қилинг!***

*Эълонлар*

### ООО "AGRO SANOAT MULK MARKAZI" приглашает на открытые аукционные торги

На открытые аукционные торги, проводимые в порядке последовательного роста начальных цен, которые состоятся 10 февраля 2020 года в 15.00 по нижеуказанному адресу, выставляются на реализацию нижеследующие ювелирные изделия из драгоценных металлов, разделенные на лоты, на основании исполнительных листов, выданных нотариусом государственной нотариальной конторы № 9 Юнусабадского района города Ташкента от 27.04.2019 г.: 1. Браслеты – 2 шт., общий вес 33,0 г, проба 583. Стартовая цена 7 432 674,00 сум. 2. Серьги – 1 пара, общий вес 5,50 г, проба 583. Стартовая цена 1 199 863,00 сум. 3. Серьги – 1 пара, общий вес 5,80 г, проба 583. Стартовая цена 1 346 919,00 сум. 4. Серьги – 1 пара, общий вес 3,90 г, проба 583. Стартовая цена 472 461,00 сум. 5. Кольцо – 1 шт., общий вес 3,00 г, проба 583. Стартовая цена 696 984,00 сум. 6. Кольцо – 1 шт., общий вес 2,80 г, проба 583. Стартовая цена 696 984,00 сум. 7. Кольца – 2 шт., серьги – 2 пары, кольцо и серьги – 1 комплект, общий вес 10,0 г, проба 583. Стартовая цена 1 935 143,00 сум. 8. Кольцо – 1 шт., общий вес 7,10 г, проба 583. Стартовая цена 1 641 031,00 сум. 9.Цеп с кулоном – 1 шт., общий вес 5,30 г, проба 583. Стартовая цена 1 199 863,00 сум. 10. Кольцо – 1 шт., общий вес 2,80 г, проба 583. Стартовая цена 696 984,00 сум. 11. Кольцо и серьги – 1 комплект, общий вес 6,00 г, проба 583. Стартовая цена 1 420 447,00 сум.

Вышеописанное имущество хранится в ООО "Yangi Yo'l Ishonch Kredit" по адресу: Ташкентская область, Янгиюльский район, ул. Самарканд, дом 137, кв. 8. Ознакомление будет производиться представителями ООО "Yangi Yo'l Ishonch Kredit". Имущество будет реализовано по договору купли-продажи. Договор купли-продажи должен быть заключен в течение 5 дней со дня подписания протокола итогов аукциона. Срок оплаты в течение 5 дней со дня подписания договора купли-продажи. Претенденты, желающие участвовать на аукционных торгах должны внести задаток в размере не менее 2,5% от стартовой цены имущества на банковский счет ООО "Agro sanoat mulk markazi". Прием заявок от претендентов будет производиться ежедневно, кроме выходных и праздничных дней, и прекращается за один день до начала аукционных торгов. Банковские реквизиты: р/с 20208000804948004002 в Мирзо-Улугбекском филиале АКБ "Капиталбанк", МФО 01018, ИНН 302159464.

Адрес: город Ташкент, улица Кушбеги, 18. Телефон (71) 250-95-96.

Гувохнома 006388

### ООО "AGRO SANOAT MULK MARKAZI" приглашает на открытые аукционные торги

